

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ СУЙИМА ГАНИЕВА

Ўзбекистон илм-фани оғир жудаликка учради. Атоқли адабиётшунос олим, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ганиева 86 ёшида вафот этди.

С.Ганиева 1932 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1952 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетини тамомлади.

1953-1956 йилларда Ленинград давлат университети аспирантурасида таълим олди.

Бўлғуси олима ўз меҳнат фаолиятини 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти кичик илмий ходими сифатида бошлади. Шу йили буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодида бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий котиби, Тошкент давлат консерваториясида кафедра мудири, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори лавозимларида фаолият кўрсатди.

У ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борди. Мустақиллик йилларида адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, миллий адабиётимизнинг жаҳон маданий цивилизациясида тугган ўрнини халқроқлик мисқасида кенг тарғиб этишга катта ҳисса қўшди.

С.Ганиева ўз илмий фаолияти давомида яратган 14 та монография, 350 дан зиёд илмий-назарий мақолалар мамлакатимиз ва халқроқ илмий нашрларда чоп қилинган, 20 дан ортиқ ўқув-методик қўлланмалари республика олий таълим муассасалари ўқув жараёнига татбиқ этилган.

Олима Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиб, ўзининг теран илмий тадқиқотлари билан навоийшунослик соҳасида ўзига хос илмий мактаб яратди.

Унинг «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди», «Алишер Навоий ижодида миллий мафкура», «Навоий ғазалларида жўмардлик мотивлари», «Навоий васыяти», «Навоий дастхати» каби сермазмун асарлари юртимиз ва чет эл адабиётшунослари томонидан илмий кашфиётлар сифатида эътироф этилган.

С.Ганиева Алишер Навоийнинг узоқ йиллар давомида илм-фанга номаълум бўлиб келган «Муножот» асарини топиб, нашр эттирган.

Олима 2011 йилда Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламини нашрга тайёрлашда фаол иштирок этган.

Ёрқин истеъдод, катта илмий салоҳият эгаси бўлган заҳматкаш олима ўз фаолияти давомида қўлаб ёшларга устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

С.Ганиеванинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш ва баркамол авлод тарбияси йўлидаги улкан хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди.

У Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, «Эл-юрт ҳурмати», «Буюк хизматлари учун» орденлари ва Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Атоқли олима, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Суйима Ганиеванинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙҮЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, Б.ЙҮЛДОШЕВ, Н.КАРИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН – ИСЛОМ ТАМАДДУНИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 3 сентябрь куни мисрлик таниқли олимлар Аҳмад Тарабик, Аҳмад Ражаб Муҳаммад Али Ризқ ва Магда Махлуф муаллифлигидаги юртимиз тарихи ва бой маданий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар тақдими ўтказилди.

Мисрлик тарихчи, археолог олим Аҳмад Ражаб Муҳаммад Али Ризқ ҳам ўз ҳаётини Шарқ диёри, хусусан, мамлакатимиз номоддий маданий меросини тадқиқ қилишга бағишлаган.

Ислом тамаддуни ривожига ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар тилга олинган иккинчи қисмдан Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Махмуд аз-Замаҳшарий каби юртимиздан етишиб чиққан қўлаб алло-малар ҳаётига оид маълумотлар ўрин олган.

Мисрлик тарихчи, археолог олим Аҳмад Ражаб Муҳаммад Али Ризқ ҳам ўз ҳаётини Шарқ диёри, хусусан, мамлакатимиз номоддий маданий меросини тадқиқ қилишга бағишлаган. Унинг маданий, тарихий мавзуларга бағишланган йиғирмага яқин китоблари, қўлаб оммабон мақолалари бугунги

қунда илмий изланишлар учун манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда муаллифнинг 2017 йилда нашрдан чиққан «Ёдгорликлар ва Бухоро ислом маданияти» номли икки жилдли китобининг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур китоб ўн йиллик изланишларнинг маҳсули сифатида яратилган.

«Ушбу заминдан етишиб чиққан машҳур қомусий олимлар Шарқ уйғониш даврининг илмий-маданий юксалишига муносиб ҳисса қўшган», дея қайд этади муаллиф китоб муқаддимасида.

Икки бўлимдан иборат асарнинг биринчи қисмида Бухоро маданий ёдгорликлари, диний тамойил ва мазаблар ҳақида ба-тафсил ҳикоя қилинса, маданий ёдгорликлардаги ёзувлар, деворий тасвирлар ва нақшлар бўйича изланишлар баёни асосий бўлимдан ўрин олган.

Таниқли олима Магда Махлуф туркий тилдан таржима қилган «Бобурома» 20 йиллик меҳнат самараси ўлароқ, араб тилида чоп этилди.

Таъкидланганидек, китоб Марказий Осиё, Афғонистон, Хиндистон халқларининг XV-XVI асрга оид тарихий-этно-график, адабий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни жамлаган. Буюк давлат арбоби, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолияти ҳақида қўлаб маълумот беради.

Тақдиримизда китобларнинг Марказий Осиёдан етишиб чиққан қомусий олимларнинг дунё илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини очиб беришдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

БУЛУНҒУРДА ЯНГИ КОРХОНАЛАР

Булунғур туманида озиқ-овқат ва нооziқ-овқат истеъмол товарлари, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, янгидан барпо этиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича бир қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Яқинда туман марказида «Самарқанд гардин пласт» масъулияти чекланган жамиятига қарашли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва музлатишга мўлжалланган янги корхона иш бошлади. Мазкур корхонанинг йиллик қуввати 10 минг тоннани ташкил этади. Унинг лойиҳа қиймати 11 миллиард сўм микдорида. Корхонада 40 янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, туманда йилига 1500 тонна мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш ва қуритишга мўлжалланган корхона ҳам тўлиқ қувват билан ишлаб бошлади.

«Тоҳир» МЧЖга қарашли мазкур корхона лойиҳа қиймати 9660 миллион сўмни ташкил этади. Тадбиркорлар 4140 миллион сўмлик ўз маблағларини ишлаб чиқаришга йўналтириш билан бирга, тижорат банкидан 5520 миллион сўм кредит ҳам олишди. Корхонага Туркия ва Малайзиядан техника ва технология олиб келинди. Айни пайтда бу ерда 75 иш ўрни яратилди.

Абдуракул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАНҚИДИЙ МАКОЛАГА ЖАВОБ КЕЛДИ

«УЙ ЭМАС, ҒУРБАТ СОТИБ ОЛДИМ»

Газетаимизнинг жорий йил 3 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилган эди. Унда «DESERT OAZIS» МЧЖ томонидан Урганч шаҳри «Ёшлик» массиви, Ғалаба кўчасидаги 9 ва 10-қўп қаватли уйлар сифатсиз қурилгани, бу уйлардан квартира сотиб олган фуқаролар норозилиги баён этилганди. Қурувчилар шартнома талабларини тўлиқ бажармаганлиги, ҳатто уйлар деворлари пишиқ гишт билан сифатли қурилиш ўрнига гишт синиқлари, цемент парчалари ва турли қурилиш чиқиндилари билан аралаштириб қурилгани таъкидланганди.

Ушбу танқидий мақолага келган жавоб хатларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги жавоби:

«DESERT OAZIS» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси томонидан «Ёшлик» массиви, Ғалаба кўчасида қурилган 9 ва 10 сонли турар-жой бинолари қурилишида камчиликларга йўл қўйилган бўлиб, ушбу объектлар Тошкент шаҳар қурилиш соҳасидаги назорат инспекциясининг бўлими мудири Александр Гусаров томонидан визуал ва инструментал усулда техник текширувдан ўтказилганда камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ушбу йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бюрократи ва бош пудратчи бўлган «DESERT OAZIS» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси томонидан бинони зўрайтириш(усиление) бўйича «Меъмор» хусусий корхонаси билан шартнома расмийлаштирилиб, лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва зўрайтириш ишлари амалга оширилган.

...«DESERT OAZIS» МЧЖнинг маблағлари етарлича бўлмаганлиги сабабли зўрайтириш ишлари охиригача етказилмаган.

Хоразм назорат инспекцияси томонидан биноларнинг мустаҳкамлигини зўрайтириш ишлари охиригача етказилмаганлиги тўғрисида Хоразм вилояти ҳокимлигига хат билан мурожаат қилинган.

Ушбу ишларни ниятсизга етказиш бўйича вазирлик томонидан Хоразм вилояти қурилиш соҳасидаги назорат инспекциясига топшириқ берилди.

Биноларнинг мустаҳкамлигини зўрайтириш ишлари якунланиши билан қўшимча маълумот тақдим қилинишини маълум қиламиз.

Вазир ўринбосари К.Туляганов

Хоразм вилояти прокуратураси жавоби:

...Аниқланишича, «DESERT OAZIS» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси томонидан Урганч шаҳар, Ғалаба кўчасида қурилган 4 қаватли 16 ва 32 хонадонли 9

ва 10-уйларда қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилганлиги учун жамият раҳбари М. Утаров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192/11-моддаси 2-қисм «а» банди, 227-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми «а» ва «б» бандлари ҳамда 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли, деб топилган.

Шунингдек, фуқаро У.Абдураимовнинг муқаддам йўлланган мурожаатлари юзасидан 2016 йилда Самарқанд шаҳрида жойлашган «СВП МАС-КАН» МЧЖ томонидан ўтказилган инструментал ўрганишлар ва назарий ҳисоб-китоблар натижаларига асосан турар-жой биноларининг мустаҳкамлиги 8 баллга зигзилабдордодлиги таъминланганлиги, шунингдек, «Тошўй-жой ЛИТИ» мутахассислари томонидан ўрганилиб, уларнинг қур-сатмалари асосида мазкур уйда сифатсиз бажарилган ишлар қайта таъмирланиб, бартараф қилинган ва фуқароларга хавфсиз яшаш шароити яратилганлиги ҳақидаги хулосага келинган.

Бироқ, мурожаатни қўриб чиқиш давомида Урганч шаҳар Ғалаба кўчасида жойлашган қўп қаватли 9 ва 10-уйларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг қўлаб ва хавфсиз яшаш шароитини яратиш мақсадида яшаш учун яроқли ёки яроқсизлиги, шунингдек бардошлилиги, агар яроқсиз бўлса, ушбу ҳолатни бартараф қилиш имконияти мавжудлигини аниқлаш мақсадида мутахассис ақраттиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири номига хат юборилиб, мутахассис ақратилган.


Мутахассислар томонидан юқорида қайд қилинган уйларнинг техник ҳолати ўрганилиб, қуйдагича хулоса қилинган.

Жумладан, «DESERT OAZIS» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси томонидан муқаддам лойиҳа ташкилот томонидан бинони зўрайтириш бўйича тақдим қилинган ишчи лойиҳа талабларига асосан бинонинг ичи 380мм. деворларини зўрайтириш ишларини давом қилдириб, якунлаш тавсия қилинган боис, бинони бузишга зарурат йўқлиги билдирилган.

Бу юзасидан вилоят давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси томонидан юқоридаги қайд қилинган талабларни бажариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш чоралари қўриш юзасидан корхонага хат юборилган.

Юқорида қўрсатилган ҳолатларни корхона томонидан бартараф этиш чоралари қўрилмаганлиги туфайли Урганч шаҳар ҳокимлиги томонидан 08.08.2018 йилда «DESERT OAZIS» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси зиммасига ушбу турар жойларда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, бинонинг пойдеворлари ва деворларини зўрайтириш чоралари қўриш юзасидан мажбуриятни юқлаш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига даъво аризаси киритилиши таъминланди.


Вилоят прокуратураси ўринбосари, адлия маслаҳатчиси О.Ж.Паянов.



Вазир ўринбосари К.Туляганов

Ташхиритдан: Аввало, танқидий мақолага ҳолис муносабатда бўлиб, масаласга масъулият билан ёндашгани учун Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги, Хоразм вилояти прокуратураси раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз.

Аммо Хоразм вилояти прокуратураси хатига қўрсатиб ЎФИЛГАН Самарқанд шаҳрида жойлашган, «СВП Маскан» МЧЖ, «Тошўй-жой ЛИТИ» мутахассислари фуқаролар шикоятига юзаси қараб хулоса берилмаган, шунчалик савоғарчиликка йўл қўйилганган бўларди. Одамлар шартномада қўрсатилган пулни тўлаб, умид билан уй оляпти. Аммо қурувчи ташкилот шартномани ҳалол бажармапти. Уй деворлари устидан сувонларни қўчириб қўрган одам бунга ишонч ҳосил қилади. Афсуски, «СВП Маскан» МЧЖ ва «Тошўй-жой



Вазир ўринбосари К.Туляганов

Ташхиритдан: Аввало, танқидий мақолага ҳолис муносабатда бўлиб, масаласга масъулият билан ёндашгани учун Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги, Хоразм вилояти прокуратураси раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз.

Аммо Хоразм вилояти прокуратураси хатига қўрсатиб ЎФИЛГАН Самарқанд шаҳрида жойлашган, «СВП Маскан» МЧЖ, «Тошўй-жой ЛИТИ» мутахассислари фуқаролар шикоятига юзаси қараб хулоса берилмаган, шунчалик савоғарчиликка йўл қўйилганган бўларди. Одамлар шартномада қўрсатилган пулни тўлаб, умид билан уй оляпти. Аммо қурувчи ташкилот шартномани ҳалол бажармапти. Уй деворлари устидан сувонларни қўчириб қўрган одам бунга ишонч ҳосил қилади. Афсуски, «СВП Маскан» МЧЖ ва «Тошўй-жой

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Мумтоз филология кафедраси профессори, йирик навоийшунос, адабиётшунос олима, Ўзбекистон қаҳрамони Суйи́ма ГАНИЕВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



«КОГОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ ЗАВОДИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни

мустақиллигимизнинг 27 йиллиги

билан муборакбод этади!

«KOGON YOG'-EKSTRAKSIYA ZAVODI» AJ

Барчамизга байрам қутлуғ бўлсин!

Маҳсулотлар сертифициланган.



«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти тизимидаги

«14-SON RELS PAYVANDLASH POEZDI
UNITAR KORXONASI» жамоаси

халқимизни мамлакатимиз

Мустақиллигининг 27 йиллиги

билан муборакбод этади!

Ватанимиз тараққиётига

ҳисса қўшаётган

барча юртдошларимизнинг

хонадонларига тинчлик,

тотувлик, қут-барака тилайди!

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.

▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.

▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест,
6x6 — 26 мест.

▶ Комбинированные поливомоечные
машины — 4, 8 м3.

▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.

▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.

▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный,
бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Баш муҳаррир: Сафар ОСТОНОВ

ТАХРИР ХАҲАТИ:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va o'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938. 6736 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21:55.

Topshirilgan vaqti — 00:35.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Iltihom BOLTAYEV

ISSN 2010-7933



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5